

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

**Республика илмий-амалий конференция
материаллари тўплами**



Тошкент 2021

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**Республика илмий-амалий конференция
материаллари тўплами**

2021 йил ноябрь

Тошкент 2021

тушунчалар бериш, уларни амалиётда кўллаш бўйича праксиологик, педагогик-психологик тренинглар ўtkазиш;

Психология, педагогика курсларида шахс, фаолият, муомала мавзулари ўтилганида инсоннинг қалбий покланиши, уни согломлаштириш ва тарбиялаш бўйича назарий ҳамда амалий машгулотлар ўtkазишда эътиборни тасаввуф тариқатлари талабларига қаратиш;

Ёш авлодни барқарор қизиқишилари, қобилияти, лаёқати ва истеъоддларини хисобга олиб, тасаввуфнинг маънавий-тарбиявий талабларига мос келувчи „Даст ба кору дил ба Ёр“ қоидаси бўйича кўшимча факультатив курслар ташкил қилиб, бунда эътиборни гоявий, маънавий, ахлоқий камчиликларни йўқотиш ва эътиборни талаба шахсида Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясида белгилаб берилган таянч маънавий-ахлоқий фазилатларни таркиб топтиришга қаратмоқ зарур;

Олий ўкув юргларида педагогика, педагогика тархи, Тарбиявий ишлар методикаси, психология курслари ўтилганида шахс ва унинг ҳаёт мазмуни, мақсади, инсонни маънавий камолотга етакловчи ёндошувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро бу мерос функционал жиҳатдан ёшларга ахлоқий фазилатларни ўргатишнинг синалган, кадимий тренинг машқлари бўлиб, оқибатда тарбияланувчи у орқали ўзини қузатиш, тузатиш, таҳлил қилиш, ўзига баҳо бериш, яъни ўз-ўзини билишга ўрганади ва мустақил ҳаёт учун зарур компетенциялар билан кириб боради.

“МИКРОЭВОЛЮЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ” МАВЗУСИНӢ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎРНИ

**Д.М.Аликариева - Тошкент Фармацевтика Институти
Фармакогнозия кафедраси катта ўқитувчиси
К.О.Садикова - ТДШУ доценти**

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илгор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Дунё миқёсида биология фанлари тизимини ўқитишида виртуал лаборатория машгулотларини ташкил этиш, интерактив дастурий воситалар, рефлексив ва витаген технологияларидан фойдаланиш усуллари ҳамда уларнинг самараадорлигига оид салмоқли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларнинг асосий вазифалари категорида талабаларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш сифатини ошириш, табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш, жумладан, эволюцион таълимот йўналишига оид хусусий компетенцияларни шакллантиришда мотивацияни оширишга қаратилган педагогик ёндашувларни ўрганиш ва фан хусусиятларидан келиб чиқиб такомиллаштириш масалалари мухим ўрин эгалламоқда.

Тадқиқот мақсади: “микроэволюцион жараёнларнинг характеристикаси” мавзусинӣ ўқитишининг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш, мавзу юзасидан электрон ўкув модули ишланмасини

шакллантириш ҳамда ўқитишни такомиллаштириш бўйича хulosалар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари: тадқиқот иши мақсадидан келиб чиқиб куйидаги вазифалар белгилаб олинди: *биринчидан*, олий таълим муассасаларида “Эволюцион таълимот асослари” фанидан замонавий адабиётлар билан танишиш, ўқитилаётган “Микроэволюцион жараёнларнинг характеристикаси” мавзусининг назарий ва амалий масалаларини тахлил қилиш; *иккинчидан*, “Микроэволюцион жараёнларнинг характеристикаси” мавзусини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш йўлларини ёритиш; *учинчидан*, “Эволюцион таълимот асослари” фани ўкув дастури мазмун моҳиятини очиб бериш; *тўртинчидан*, “Микроэволюцион жараёнларнинг характеристикаси” мавзусидан методик ишланма, технологик хариталарини тузиш; *бешинчидан*, олий таълим муассасаларида “Эволюцион таълимот асослари” фанидан “Микроэволюцион жараёнларнинг характеристикаси” мавзусини ўқитишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш.

Тадқиқот обьекти ва методлари: биология йўналиши талабаларига “Эволюцион таълимот асослари” фанидан “Микроэволюцион жараёнларнинг характеристикаси” мавзусини ўқитишнинг назарий методологик масалалари ва ташкилий характерга эга бўлган хужжатларини ўрганиш ташкил этади ҳамда олий таълим муасасаларида “Микроэволюцион жараёнларнинг характеристикаси” мавзусини мазмун моҳиятини ўрганишда уни назарий ва амалий тадқиқ этиш хисобланади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўкув-методик адабиётлар мазмуни ва педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш бўйича амалга оширилган тизимли ислоҳотлар натижасида табиий фанлар, жумладан, биология тизимини ўқитишга қаратилган таълим технологияларини қўллаш, инновацион ёндашувлар, мультимедияли таълим ресурсларини жорий этиш имкониятлари кенгайди. Шу билан бирга, талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш зарурати ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, интеллектуал ривожланган, мустакил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содик ёшларни тарбиялаш” устувор вазифалар этиб белгиланди. Бу борада барча ўкув фанлари қатори биология фанлари таълими мазмунини модернизациялаш, табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш жараёни, ўқитиш методлари, воситалари, шакллари ва технологияларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этиб устивор йуналишлардан хисобланади.

Таълим -тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, келажак учун баркамол авлодни тарбиялаш ишлари давлат сиёсатининг устивор йуналишига айланди. Таълим сифатини яхшилаш ўкувчиларнинг интеллектуал фаоллигини ошириш бугунги кунда

педагогларнинг бош вазифаси ҳисобланади. Республикаизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ташкилий, илмий ва методик асослари яратилди, асосий мақсад эса комил инсон ва етук, малакали рақобатбардош мутахасисларни тайёрлашдир, деб белгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва рахбарлигига қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасининг ривожлантирилишининг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабхаларида, энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккурида яққол кўзга ташланмоқда. Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда ҳукуқий демократик асосдаги халқ давлатини барпо этиш йулини ҳар томонлама асослаб берадиган ҳужжат ҳисобланади. Чинданда ўз эртанги келажагига бефарқ бўлмаган миллат, ёргу ва фаровон кунларини унинг эгалари бўлмиш ёш авлод истиқболида кўрган миллат таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратади

Янги педагогик технология (ЯПТ) - шундай билимлар соҳаси, улар ёрдамида З-минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, Талаба фаолияти янгиланади, талаба ёшларда хурфиксрилик, билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйгулари тизимли равишда шакллантирилади.

Айнан ана шу мазмунда “технология” термини ва унинг “ўқитиш технологияси”, “таълим технологияси”, “таълимда технология” шакллари педагогик адабиётларда фойдаланила бошланди ва муаллифлар таълим-технологик жараённинг тузилиши ва ташкил этувчилирини қандай тасаввур этишларига қараб кўплаб ифодаларга эга бўлди (уч юздан ортиқ) [5].

“Педагогик технология” термини биринчи бор педагогика бўйича ишларда XX асрнинг 20-йилларида тилга олинган. Ҳозирги кунда педагогик технология тушунчасида турлича ифодалашлармавжуд. “Педагогик технология”, “Янги, кейинги 10 йиллар ичida яратилган, педагогикага багишлиган адабиётларда педагогик технология”, “Илгор педагогик технология”, “Прогрессив педагогик технология” каби тушунчалар кўп учраб тургани билан, уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи ҳали тузилмаган [6,11].

Технология–бу талабанинг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойихалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир [7,10].

“Эволюцион таълимот асослари” фанини ўқитишда бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатлarda қўйидаги инновациялар ва таълим технологиялари қўлланилмоқда.

Самарали ўқитиш технологиялари:

- * муаммоли ўқитиш;
- * танқидий фикрлашиш ривожлантирувчи технологиялар;
- * ривожлантирувчи таълим технологиялар;

- * ўйинли технологиялар;
- * ҳамкорлик технологиялари;
- * ўқитишининг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;
- * компьютер-ахборот технологиялари.

“Эволюцион таълимот асослари” фани дарсларида ўқитувчи ўқувчиларда муайян тушунчаларни шакллантириш учун ўқув материалини кўргазмали воситалар асосида тушунтириши, ўқитувчи ахборот ёки мустакил ишлаш натижасида ўқувчилар сезги органлари орқали қабул қилинган ахборотни тасаввур килиши, идрок этиши, ёдда саклаши ва амалда кўллашга эришиши лозим. Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра “Микроэволюция жараёнинг характеристикаси” мавзусини ўрганаётган таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тэнгдошларини тинглай олиш, гояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рагбатлантириш имкониятига эгалиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчида мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантикий фикрлаш, мавжуд гояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантикий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустакил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларида яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларини мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машгулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларини биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчининг Янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан куроллантириш ва олган билимларини ўқув тарбиявий машгулотларда қуллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш лозим. Хар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талаба (ёки ўқитувчининг) эҳтиёжидан келиб чиқкан холда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойихалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

«*Тармоқлар*» интерфаол методи – талабани мантикий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустакил равишда адабиётлардан фойдаланишга ўргатишга қаратилган. Фикрлашнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўкувчи (талаба)ларнинг бир мавзуни чукур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга тааллукли тушунчага ёки аниқ фикрни эркин ва аниқ равишда маълум кетма-кетлик билан узвий боғланган

холда тармоқланишлариға ўргатади. Мазкур интерфаол метод билан бир мавзуни чукур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиш мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустахкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчи (талаба)ларни ушбу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклда ифодалашга ундейди. «Кластер» методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустахкамлаш қуидагича амалга оширилади: Талабалар гурухларга бўлинадилар ва уларга белгиланган вақт ичидаги мавзу бўйича қандай тушунчаларни ўзлаштирган бўлсалар, уларни қогозга ёзиш вазифаси топширилади. Вазифани бажариш жараённан фикрларнинг тўгри ёки нотўғрилигига аҳамият бермаслик, нимани ўйлаган бўлса, шуни ёзиб бориш талаб этилади. Ёзувнинг техник (орфографик, мантикий ва ҳ.к.) жиҳатларига эътибор бермаслик айтиб ўтилади. Фикрлар тугагандан кейин гурух аъзолари тушунчаларни мантикий жиҳатдан бир-бирига боғлаб чиқадилар. Кластер-ахборот харитасини тузиш йўлини ва барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида гояларни йигиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича ўзаро боғланишли янги тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишга ёрдам беради.

Ўқув топшириқ яъни кластер тузиш қоидасининг технологик схемаси




«Биргаликда ўқиймиз» техникаси методи. Биргаликда ўқиш: ўқув гурухи кичик гурухларга бўлинади. Ҳар бир кичик гурух ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади. Ҳар бир гурухнинг мақсади бошқа барча гурухлар иштирокчилари мавзу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

- 1. Топшириқ-** Эволюциянинг бошлангич материали.
- 2. Топшириқ-** Мутацияларнинг намоён булишида генотип ва ташки мухитнинг муносабати.
- 3. Топшириқ-** Популяциялардаги узгарувчанликнинг сафарбарлик резерви.
- 4. Топшириқ-** Популяция тулкини — бошлангич эволюция омили сифатида.
- 5. Топшириқ-** Микро ва макроэволюциянинг узаро муносабати. Микроэволюция таълимотининг вужудга келиши



iSpring Quizmaker 8 дастурида тестлар түзүш - бу функционал ва бир вақтни ўзида оддий фойдаланиш ускуналариға эга бўлган интерактив тестлар, анкеталар ва сўровлар яратувчи дастур ҳисобланади. **iSpring Quizmaker 8** ёрдамида тест топширувчининг билим, қўникма ва малакасини аниқлаб берувчи 11 хил кўринишдаги тестлар яратиш мумкин. 12 хил кўринишдаги анкеталар ёрдамида талабаларнинг фандан ўзлаштириш даражасини обектив баҳолаш имкони мавжуд бўлиб, уларни формулалар, расмлар, аудио ва видео лавҳалар билан бойитиш мумкин[10].

iSpring Quizmaker8 дастурида баҳолаш тестларининг қуидаги турлари



мавжуд:


- + **Верно/неверно-** Тасдиқнинг тўғрилигини баҳолаш орқали амалга оширилади.
- + **Одиночный выбор-** Жавоблар орасидан аниқ тўғри жавобни танлаш орқали амалга оширилади.
- + **Множественный выбор-** Жавоблар орасидан бир нечта тўғри жавобни танлаш орқали амалга оширилади.
- + **Ввод строки-** Берилган саволга жавоб маҳсус майдонга киритиш орқали малга оширилади.
- + **Соответствие-** Саволда келтирилган элементларга мос жавоб элементларини мос кўйиш орқали амалга оширилади.
- + **Порядок-** Саволда берилган вариантларни тўғри кетма-кетлиқда жойлаштириш орқали амалга оширилади.
- + **Ввод числа-** Тўғри жавоб сон кўринишда киритилади.
- + **Пропуски-** Тест топширигидаги матндан бир ёки бир нечта тушириб қолдирилган жумлалар тест топширувчи томонидан киритилади.
- + **Вложенные ответы –** Мураккаб тест кўриниши бўлиб, бир нечта “Одиночный выбор” тартибида тузилган саволлар ягона савол остида

берилади.

 **Банк слов-** Матнда бир нечта тусириб қолдирилган сўзлар, матн остида жойлашган сўзлар банкидан танланиб жойига қўйилади.

 **Активная область-** берилган расмдаги саволга жавоб бўладиган соҳа сичконча ёрдамида кўрсатилади

iSpring Quizmaker саволларнинг барча тури ишлатиладиган ҳолда аралаш тестларни тузиш имконини беради. **iSpring Quizmaker** дастурида мултимедиа объектлари фойдаланувчи томонида тузиладиган тест саволларининг ҳар бирини расм, формула, аудио, видео ёки Flash-роликлари билан тўлдириш мумкин. Бундан ташқари фойдаланувчи матн стилини ўзгартириши ва гипермурожатни ўрнатиши мумкин.



Шу билан бир каторда **iSpring Quizmaker** дастурида яратилган тестларнинг жавобларини расм ва формулалар билан тўлдириш мумкин.

iSpring Quizmaker тармоқланган тестлар яратиш имкониятини беради. Фойдаланувчи жавобнинг тўғри, нотўғри ва қисман тўғри бўлган ҳоллари учун аниқ кўрсатмалар бериши мумкин. Агар жавоб тўғри бўлган ҳолатда талаба кейинги саволга ўтиши мумкин, жавоб нотўғри бўлган ҳолатда шу саволга тегишли ахборотлар слайдига отиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир тестнинг жавобининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақидаги хабар чиқариш имкони мавжуд.

Дарс жараёнини мустахкамлаш учун изохли тестлардан фойдаланиш талабада билим кўнкма ҳосил бўлишида жуда яхши натижа беради. Қуйида мавзуга оид тайёрланган изохли тестларни кўрсатиб ўтамиз.

Изохли тестлар:

Турлар доирасининг (ареал) кенгайиши, популяциялардаги изоляциялар, эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучларининг уларга таъсири - сабаблари

- 1) экологик турлар ҳосил бўлиш жараёни
- 2) географик турлар ҳосил бўлиш жараёни
- 3) биологик регресс
- 4) табиатдаги биоритмлар

Изоҳ.

Экологик турлар ҳосил бўлиш жараёни популяциялар кўпайиш вақтида содир бўлади, бу ерда эса диапазоннинг кенгайиши, популяцияларнинг географик изоляциясисодир бўляптий ва шу сабабли географик турлар ҳосил бўлади.

Жавоб: 2

Популяциялар сонининг мавсумий тебранишлари

- 1) генларнинг дрейфи
- 2) популяция тўлқинлари
- 3) йуналтирувчи куч
- 4) мутацион жараён

Изоҳ.

Эволюциянинг йўналтирилмаган омили - популяция тўлқинлари, популяциялар таркибидаги индивидларнинг мавсумий тебранишини белгилайди.

Жавоб: 2

Эволюцияда табиий танланишнинг ахамияти нимада?

- 1) турлар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши
- 2) популяциялар ўртасидаги рақобатнинг сусайиши
- 3) бир турдаги индивидлар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши
- 4) янги турларнинг пайдо бўлиши

Изоҳ.

Эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучлари натижасида янги турлар пайдо бўлиши мумкин.

Жавоб: 4

Турли хили популяцияларда индивидларнинг чатишишига тўсқинлик қиласиган географик тўсик

- 1) ҳудудий бўлиниш
- 2) жинсий диморфизм
- 3) репродуктив аппарат тузилишидаги фарқ
- 4) кўшилиш жараёнидаги фарқ

Изоҳ.

Географик тўсик, географик изоляция, яъни ҳудудий бўлиниш пайтида пайдо бўлади.

Жавоб: 1

Эволюцияни ҳаракатга келтирувчи кучларнинг ўзаро таъсири натижасида,

- 1) организмларнинг кўпайиши
- 2) изоляция
- 3) мутацион жараён
- 4) табиатда янги турларнинг шаклланиши

Изоҳ.

Мутациялар натижасида индивидлар янги белги хусусиятларга ега бўладилар, шундан сўнг янги хусусиятларга ега бўлган индивидлар табиий танланиш ва яшаш учун курашга киришадилар, бу эса янги турнинг ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

Жавоб: 4

Бундай тестларни карточка кўринишида хам тарқатиш мумкин:



Ҳулоса қилиб айтганда ҳозирги жадал ривожланаётган ахборотлар асирида таълим системасига кириб келаётган янгиликлар, замонавий ўқитиш технологияларини тезликда Республикамиз Олий таълим муассасаларида жорий қилиш мақсадида ОТМларда семинар-тренинглар ўтказиб туриш лозим. “Микроэволюцион жараёнлар характеристикаси” мавзусини ўтишда инновацион технологиялардан муқобил тарзда фойдаланиш, ўқитувчи-талаба ҳамкорлигига дарс ўтиш, талabalарни мустақил билим олиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида “Кейс-стади”, “Тармоқлаш” (Кластер), “Биргаликда ўқиймиз” ттехникасидан, “Синквейн” таълим технологиясини қўллаган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир педагог таълим бериш жараёнида факатгина Республикамизда жорий этилаётган янгиликларни қўллаш билан чекланиб қолмай, балки, ривожланган давлатлар таълим системасини ўрганиши, ўзлаштириши ва дарсда жараёнида амалга тадбиқ этиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. улуг халқнинг-иши ҳам улуг, ҳаёти ёруг ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2019
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Юксак маънавият - энгилмас куч. –Тошкент.: Маънавият, 2008. -176 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўгрисида”ги Қонуни. Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон

5. М.Хошимова Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компитентлик фанидан тақдимот. 2016й

6. Н.Н. Иорданский – «Эволюция жизни» М. Академия 2001 /учебное пособие для пед вузов/

7. Sergio Martínez Cuesta, Syed Asad Rahman, Nicholas Furnham and Janet M. Thornton1. The Classification and Evolution of Enzyme Function. Biophysical Journal Volume 109 September 2015 1082–1086

8. Makhlynets, O. V., E. A. Raymond, and I. V. Korendovych. 2015.

9. Design of allosterically regulated protein catalysts. Biochemistry. 54:1444–1456

10. Rahman, S. A., S. M. Cuesta, J. M. Thornton. 2014. EC-BLAST: a tool to automatically search and compare enzyme reactions. Nat. Methods. 11:171–174.

11. Ramunke S., Borges F. A., Molecular marker sequences of cattle Cooperia species identify *Cooperia spatulata* as a morphotype of *Cooperia punctata*. PLoS ONE 13 (7): e0200390. <https://doi.org/10.1371/journal>.

INTERNETGA QARAMLIKNING PSIXOLOGIK MUAMMOLARI

J.T.Mirzoyev- GulDU doktoranti

Bugungi kunda dunyo ahlining aksariyat qismi Internetdan foydalanmoqda. Inson va jamiyat bir joyda turmaydi, doim o’zgarib boradi, biz yashab turgan hozirgi vaqtini globallashuv davri deb nomlanishi odatiy holat bo’lib ulgurgan. Ma’lumotlar uzatish vositalarining rivojlanishi barcha davlatlar kiritilgan yagona axborot tizimini yaratilishiga xizmat qildi. Aynan Internet tufayli lokal axborot tarmoqlari yagona global tarmog’iga birlashadi.

Respublikamizda Prezident Sh.M. Mirziyoev boshchiligidagi ilm-ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha bir qancha sezilarli ishlar amalga oshirilib bormoqda. Olib borilayotgan islohatlar, ta’lim va ilm-fan sohalarining o’zaro uyg'unligi e’tirof etilishi bilan birga yoshlarga doir siyosatini amalga oshirish, ta’limning yangi zamonaviy usullari, jumladan, axborot-komunikatsiya texnologiyalarini joriy etish sohasiga alohida e’tibor berilayotganligining amaliy ifodasi deb hisoblansa mubolag'a bo’lmaydi. Jamiyat tashabbuskor islohotchi, strategik fikr yuritadigan, bilimli va malakali yangi avlod kadrlarini tarbiyalashdan manfaatdor. Shuning uchun maktabgacha ta’lim tashkilotlaridan boshlab, oliy o’quv yurtigacha – ta’limning barcha bo’g’inlari isloh qilinmoqda. Binobarin, nafaqat bugunning yoshlari, balki butun jamiyatimiz a’zolarining bilimi, saviyasini oshirish uchun avvalo ilm-ma’rifat, yuksak ma’naviyat kerak. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev ta’kidlaganlaridek, “Ilm yo’q oyda qoloqlik, jaholat va, albatta, to’g’ri yo’ldan adashish bo’ladi».

Sharq donishmandlari aytganidek, “Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta

144	О.Боуматова. Masofaviy ta'limdi interfaol texnologiyalarni qo'llashni o'ziga xos yo'llari	586-589
145	Ш.И.Абдуллаева. Проблемное обучение в дистанционном образовании	589-593
146	Д.Б.Ботирова., А.Ш.Холиев. Масофавий таълимнинг замонавий шакли	593-597
147	S.N.Muminova. Pedagogical features of distance education	597-600
148	З.О.Раширова. Проектные технологии в практике педагога и психолога дошкольного образования	601-603
149	Р.А.Хайдарова., И.Ибрагимов. Дистанционное обучение на уроках истории	603-606
150	З.А.Ахмедова. Применение дидактических игр в дистанционном обучении	606-608
151	И.А.Юсупжонова. Талабаларининг касбий шаклланишини оптималлаштиришнинг ижтимоий-психологик йўллари	609-614
152	С.Х.Махкамова. Масофавий таълимда педагогик фаолиятни ташкил этишнинг технологик масалалари	614-617
153	Д.Қ.Маликова Биринчи ренессанснинг маънавий тарбиявий таълимотига бир назар	617-622
154	Д.М.Аликариева, К.О.Садикова. “микроэволюцион жараёнларнинг характеристикиси” мавзусини ўқитиша педагогик технологиялар ўрни	622-631
155	J.T.Mirzoyev. Internetga qaramlikning psixologik muammolari	631-635
156	Ф.А.Бабашев - олий таълим тизимда PR-фаолият шакллари	635-637
157	Л.В.Латыбова, Ш.Ш.Шарафова. Использование телекоммуникаций при дистанционном обучении	637-644

**“МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ”
Мавзусидаги республика илмий-амалий конференция
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Нашриёт литсензияси №
2021 йил 28 октябрида босишга руҳсат этилди.
Бичими 60x80 1/6 Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 28,25 шартли босма табоқ. 39 нашр табоги.
Адади 10 нусха. 5-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.